


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**
**ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ**
**АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ**
**ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**Гувоҳнома** № 0680-16.02.2018.
**ISSN** № 2181-9017

## М У Н Д А Р И Ж А

### МАНБАШУНОСЛИК

**1. Азимов Х.** Будда динининг Хитойга кириб боришида Марказий Осиёлик роҳибларнинг ўрни (Хитой манбалари асосида) ..... 3
**2. Абдухалимов Б., Мухаммадаминов С.** О рампурском и ташкентском списках сочинения «Матла‘ ан-нуджум» Абу Хафса ан-Насафи ..... 19
**3. Муратов А.** Умар Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” асарига асос 30 29
**4. Fayzullo F.** Amir Temurning fe’l-atvori va yosoqi ta’rifi (Hofizi Abruning “Zubdat at-tavorix” asari asosida) .....39

### ТАРИХ ВА ТАРИХШУНОСЛИК

**1. Кочкарова Э.** Источники по проблеме Российской системы образования в Туркестанском крае ..... 59
**2. Алимджанов Б.** (История деятельности Верненского (Алматинского) филиала Русско-Азиатского коммерческого банка ..... 71

## ИСЛОМШУНОСЛИК


1. **Султонов Ў.** Ўрта Осиё хўжаларининг сакраллашуви масаласига доир ..... 85
2. **Кенжабоева Р.** Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида вақф қилувчининг вақф мулки устидаги ҳуқуқлари масаласи ..... 97


## ФАН ВА МАДАНИЯТ ТАРИХИ


1. **Comstock-Skipp J.** Can we really call it the “Bukhara School”? Sheybanid arts of the book in the 16th century..... 106
2. **Олимжонов Ҳ.** Тошкент оммавий кутубхонаси тарихи *(1870–1889 йиллар)*.....134


## ТИЛ ВА АДАБИЁТ


1. **Ҳамроева О.** Шамсиддин Қайс Розийнинг “Ал-мўъжам фи маъойир ашъор ал-ажам” асари тадқиқи..... 145

**Абдуллаева М.** Кичик адабий жанрларда анъанавий мотивлар таҳлили ..... 154


## ЯНГИ НАШРЛАР


1. **Раҳимжонов Д.** Нодир қўлёзманинг факсимиле нашри ..... ... 172
2. **Бўриев О.** Истахрий. “Китаб ал-масалик вал-мамалик” асарининг ўзбек тилига таржимаси ..... 176



*ЎзР ФА*
*Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий кенгашининг 2025 йил 25 декабрдаги 9-сонли мажлиси қарорига кўра нашрга тавсия қилинди.*



**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ**

***Баҳром Абдуҳалимов***
*(Бош муҳаррир)*
***Сурайё Каримова***
*(Бош муҳаррир ўринбосари)*
***Салимахон Эшонова***
*(Масъул котиб)*
***Наталья Каримова***
*(Рус тили муҳаррири)*
***Акрам Ҳабибуллаев***
*(Инглиз тили муҳаррири)*

***Аҳмедов Ашраф***
***Бобожонов Бахтиёр***
***Баҳодиров Роиқ***
***Бўриев Омонулло***
***Дагели Жанин***
***Жуманазаров Абдусаттор***
***Исломов Зоҳиджон***
***Қориев Одил***
***Мўминов Аширбек***
***Раҳимжонов Дурбек***
***Султонов Ўктам***
***Ходжаев Аҳад***
***Юсупова Дилором***
***Ғуломов Санжар***
***Ҳасанов Маҳмуд***



***Манзилимиз:***
*100170. Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўчаси, 79*
***Мурожаат учун:***
***Телефон:*** *(8 371) 262-54-61,*
***Факс:*** *(8371) 262-52-77*
**E-mail**: beruni1@uznet.uz

*Р. Кенжабоева*

## Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида вақф қилувчининг вақф мулки устидаги ҳуқуқлари масаласи

Вақф фойдаланиш мумкин ва жоиз бўлган бир мулкни узлуксиз давом этиш шарти билан эгасининг ихтиёри ва розилиги билан унинг тасарруфидан чиқиб, жамоа мулкига айланишидир. Бундай мулкнинг бошқаруви энди вақф ҳужжатидаги шартлар ва умумий асосларга кўра олиб борилади [1: 75–78].

Ислом ҳуқуқи олимлари вақф мулкига турлича таъриф беришган. Хусусан, Абу Ҳанифанинг (699–767) берган таърифи қуйидагича: “Вақф – мулк бўлган бир айнни вақф қилувчининг мулкидан чиқариб олиш ва даромадини йўқсилларга ёки бошқа хайрли ишларга садақа қилмоқдир” [2: 27].

Бурҳониддин Марғинонийнинг (1123–1197) “Ҳидоя” асарида вақф мулкига тегишли бир қанча масалалар изоҳланган: 1. Вақф сўзининг луғавий ва истилоҳий маъноси. 2. Вақф мулкининг вақф қилувчи (воқиф) тасарруфидан чиқиши ёки чиқмаслиги, вақфнинг мажбурий бўлиши ёки бўлмаслиги. 3. Мерос мулкини вақфга айлантиришни васият қилиш ҳукми. 4. Вақф мулкини мутаваллига топширишнинг зарур ёки зарур эмаслиги. 5. Тақсимланмаган, бўлинадиган ва бўлинмайдиган, ҳиссали мулкни вақф қилиш. 6. Вақфни бирор давр ёки мақсадга боғлашнинг жоиз ёки жоиз эмаслиги. 7. Кўчар ва кўчмас мулкни вақф қилиш билан боғлиқ ҳукмлар. 8. Вақф қилинган мулкнинг сотилмаслиги, ҳадя қилинмаслиги ва мерос қилиб қолдирилмаслиги. 9. Вақф мулкининг яроқлилигини таъминлаш билан боғлиқ ҳукмлар. 10. Ўзига вақф қилиш ва ўзининг мутавалли бўлишини шарт қўйиш. 11. Вақф мулкини алмаштириш.

Юқорида тилга олинган мавзулардан бири ўз-ўзига вақф қилиш масаласидир. Бошқа бирор йўлда қилинган вақфни вақф қилувчининг ўзи тасарруф қила олиши ҳам навбатдаги саволлардандир. Бу масалада ислом ҳуқуқи олимлари фарқли фикрларни илгари сурганлар.

“Ҳидоя”да бу борада, аввало, Имом Абу Юсуфнинг (ваф. 798) қарашлари тилга олинган: “Вақф қилувчи вақф даромадини ўзига аташи (тахсис этиши), этса ёки мутаваллиликни ўз зиммасига олса, Имом Абу Юсуф наздида бу иш жоиздир” [3: 405].

Қудурий бу икки мавзуни икки фаслга ажратиб фатволарни жамлаган. Улардан биринчиси, вақф қилувчининг вақф даромадини ўзига аташи, иккинчиси эса, мутаваллиликни ўз зиммасига олиши ҳақидадир. Юқорида эса “Ҳидоя”да бу мавзуга кичик қисм ажратилганини кўрдик. Шунингдек, Марғиноний асарида “биринчиси (вақф қилувчи вақф даромадини ўз-ўзига аташи) Имом Муҳаммад наздида жоиз эмас” деб қўшимча қилган [3: 405].

Ислом ҳуқуқи олимларидан баъзилари мазкур фарқли қарашлар вақф молини топшириш, қабул қилиб олиш ва ажратиб олиш (ифроз) шартидан келиб чиққани деб ҳисоблашса, бошқалари бунинг ўзи алоҳида масала эканини айтишган. Бу масаладаги фарқлар қуйидаги жиҳатларда кўринади: а) бир киши бир вақтнинг ўзида ҳам вақф қилувчи, ҳам фойдаланувчидир. У ўзига мулкининг бир қисмини вақф қилди ва вафотидан сўнг мазкур бир қисм мулк фақирларга ўтишини шарт қилиб қўйди; б) мазкур киши ўзига мулкининг ҳаммасини вақф қилди сўнг мазкур барча мулк фақирларга ўтишини шарт деб белгилади; в) мазкур киши ўзига мулкининг бир қисмини ёки ҳаммасини вақф қилди ва вафотидан сўнг унинг бир қисми ёки ҳаммаси фарзандларининг онасига ўтишини шарт қилди. Мазкур жиҳатларда вақф қилиш жоиз ёки ножоизлиги фақиҳлар ўртасида турлича талқин этилган.

Агар вақф қилаётиб умри давомида вақф молининг баъзиси ёки ҳаммаси фарзандли жориялари ҳамда тадбир ақди амалга оширилган қулларига, улар вафот этгандан сўнг вақфнинг фақирларга ўтишини шарт қўйган бўлса, бир қарашга кўра, бу билиттифоқ жоиздир. Яна бир қарашга кўра, бу масала ҳам ихтилофли ҳисобланади. “Ҳидоя”да иккинчи қараш ҳақида “Саҳиҳ қавл ҳам шудир” дейилган [3: 406]. Чунки жориялари ва қуллари учун белгиланган шарт ўзи учун шарт қўйиши каби бўлади.

Имом Муҳаммад (749–804) бу ишнинг жоиз бўлмаслигини айтган. Унинг сабабини қуйидагича изоҳлаш мумкин: вақф – ўз эгасининг тасарруфидан чиқиш шарти билан мулкни бирор

йўналишга аташ, шу йўл билан яхшилик (табарруъ) қилишдир. Шундай экан, вақф қилувчи вақф молининг баъзисини ёки ҳаммасини ўзига тегишли бўлишини шарт қўйса, бу вақфни "ҳукмсиз" қилади, яъни бундай вақф амалга ошмайди. Чунки кишининг ўз молини ўзига бериши мумкин эмас. Бу ҳолатда вақф берилган садақанинг ёки вақф қилинган масжид майдонининг бир қисмини ўзи учун шарт қўйгандек бўлади [3: 407].

Имом Абу Юсуф эса Муҳаммад алайҳиссаломнинг (571–632) ўз садақаларидан еганларига доир ривоятга таянадилар. Ривоятдаги садақадан мақсад эса вақф қилинган садақадир. "Ҳидоя"даги ҳадислар мавзусига бағишланган манбада бу ҳадис ғариб экани айтилган. Унга кўра, Ибн Абу Шайба "Мусаннаф"ида Абу Ҳанифага эътироз этган ҳадислар бобида қуйидаги ривоятни тилга олган: "Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг вақфияларида "Эгалари ундан, ортиқча эмас, кифоя қиларлик миқдорда ейишлари мумкин", деган ибора бор эди" [4: 479]. Вақф қилувчи эса фақат шарт қўйиш йўли билан ўз садақасидан ейиши мумкин. Шу эътибор билан юқорида зикр қилинган ривоят бу шартнинг саҳиҳ бўлишига далилдир. Шу билан бирга, вақф мулкни савоб учун Аллоҳга бахшида қилишдир. Шундай экан вақф қилувчи вақфнинг баъзисини ёки ҳаммасини ўзига шарт қўйиш билан Аллоҳга тегишли бўлган мулкни ўзиники қилган бўлади. Ўз мулкини ўзига берган бўлмайди. Бу эса жоиздир [3: 407].

Муаллиф бу борада мисол тариқасида карвонсарой ёки суғориш иншооти қурган кишининг табиий равишда ундан ўзи ҳам фойдаланишини, яна бир мисол сифатида эса ерини қабристон қилган кишининг ўзи ҳам ўша қабристонга дафн этилиши мумкинлигини айтиб ўтган. Бу ҳолатни у савоб олиш, Аллоҳга яқинлик (қурбат) ҳосил қилиш вақфнинг асосий мақсади эканини, бу эса кишининг ўзи учун харажат қилиши билан ҳам қўлга киритилиши мумкинлигини таъкидлаган [3: 407].

"Ҳидоя"да мавзуга доир келтирилган далил ушбудир: Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: "Кишининг ўзи учун қилган нафақаси садақадир" [5: 155]. Бу ҳадисни Миқдом ибн Маъдикариб (VI–VII), Абу Саъид Худрий (VI–VII), Жобир (VI–VII) ва Абу Умома (VI–VII) ривоят қилишган. Миқдомнинг ривоятларида Ибн Можа

(824–886) “Байъ” китобида қуйидагича ривоят қилган: “Кишининг қўлга киритганлари ичида ўз меҳнати билан эга бўлган бойликдан кўра покроқ бойлик йўқдир. Кишининг ўзи, завжаси, болалари ва хизматчисига қилган харажатлари у учун садақадир” [5: 155].

Вақф тасарруфи билан боғлиқ яна бир масала вақф ерини алмаштириш мавзусидир. Бу алмаштириш вақф қилувчи қўйган шарт асосида ҳам, вазият тақозоси билан ҳам бўлиши мумкин. Вақф қилувчининг бундай шартни қўйиши вақф ери ўрнига ўзига тегишли бошқа бир ерни беришни исташи билан боғлиқдир. Бу вақф қилувчининг ўзига боғлиқ сабабларга кўра юз бериши мумкин.

“Ҳидоя”да вақф қилувчи вақф ерини алмаштиришни шарти қўйиши масаласи тилга олинган. Асарда таъкидланишича, Имом Абу Юсуф фикрига кўра, вақф қилувчи ўзи истаган вақтда вақф қилинган ерни бошқа бир ер билан алмаштиришни шарт қўйиши жоиз ҳисобланади. Имом Муҳаммад эса бу ҳолатда қилинган вақф саҳиҳ бўлиб, қўйилган шарт саҳиҳ бўлмаслигини таъкидлаган. Вақф қилувчи ўзи учун уч кун ичида вақфидан қайтиш шартини қўшса, Имом Абу Юсуфга кўра, бу ҳолатда вақф ҳам, шарт ҳам саҳиҳ бўлади. Имом Муҳаммад фикрига кўра эса вақф саҳиҳ бўлмайди [3: 409].

Қарашлардаги бу фарқлар, юқорида таъкидланганидек, қабул қилиб олиш ва тақдим этиш масаласидаги қарашлар фарқидан келиб чиқмоқда. Вақф мутаваллилигини вақф қилувчининг ўзи бажариши масаласига келсак, бу ўринда Қудурий Имом Абу Юсуфнинг фикрларини тилга олган [3: 409]. “Ҳидоя”да келтирилишича, Ҳилол (ваф. 860) ҳам бу масалада Имом Абу Юсуфнинг фикрини қўллаб-қувватлаган бўлиб, зоҳир ал-мазҳаб ҳам шудир [3: 408]. Ҳилолнинг “Вақф китоби”да эса бундай дейилган: “Баъзи фақиҳлар дейдиларки, мутаваллиликнинг ўзига тегишли бўлиши шартини қўйса, бу вазифа уники бўлади. Ундай шарт қўймаса, мутавалли бўла олмайди” [5: 303].

Ислом ҳуқуқи олимлари бу фикр Имом Муҳаммадга тегишли деб ҳисоблайдилар. Чунки Имом Муҳаммад вақфнинг саҳиҳ бўлиш шартлари қаторида мутаваллига тақдим этишни ҳам тилга олган [3: 410]. Вақф мулки мутаваллига топширилганда эса у мулкда вақф қилувчининг ўз мутаваллилик ҳаққи қолмайди.

“Ҳидоя”да қарашлардаги хилма-хиллик зикр этилгач, муаллифнинг ўз фикри баён этилган. Унга кўра, мутаваллининг ўзи ҳам

мутавалли сифатини вақф қилувчининг рухсати билангина қўлга киритади. Бошқа бир киши фақатгина вақф қилувчининг изни билан мутавалли бўлиши мумкин экан унинг ўзи мутавалли бўлолмаслиги мумкин бўлмаган ишдир. Унинг вақфга бошқалардан кўра яқинроқ бўлиши сабабли, вақф мутаваллилиги ҳам ҳаммадан олдин унинг ҳаққидир. Худди масжид қурдирган киши у масжиднинг таъмири ва парваришини қилиш ва унга бирор кишини вазифадор қилиш ҳаққига эга бўлганидек ёхуд қулни озод қилган киши унга энг яқин киши ўзи бўлгани учун қулнинг валийси ўзи бўлгани каби [3: 4010].

Вақф қилувчи мутаваллиликнинг ўзига тегишли бўлишини шарт қўйган бўлса-ю, аммо ишончли киши бўлмаса, ҳоким фақирларнинг ҳаққини ҳимоя қилиш мақсадида вақф мутаваллилигини ундан олиши мумкин. Ислом ҳуқуқи шартларига кўра, ҳоким етим болаларнинг манфаати учун васий (марҳумнинг болаларига қаровчи киши)ни ҳам вазифасидан четлатиши мумкин. Агар вақф қилувчи бунинг олдини олиш мақсадида, султон ҳам, ҳоким ҳам ўзини мутаваллиликдан озод қилмаслигини шарт қўйган бўлса, фиқҳ талабларига зид бўлгани учун бу шарт бекор, яъни ботил бўлади [3: 409]. Бу қоида ҳам вақф мулкини, ҳам ундан фойдаланувчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида жорий этилган.

Бурҳониддин Марғиноний бу мавзуда ўз фикрини баён этиш услуби билан мавзуни кенг изоҳлаб берган. Мазкур изоҳ мавзуга оид саволларга жавоб топишда муҳим аҳамиятга эгадир.

**Фойдаланилган адабиётлар**


1. Абдуллоҳ Зайлаъий. Насб ар-райа ли-аҳодис ал-Ҳидоя. 3-жилд. Жидда, 1357/1938.
2. Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Саҳл Сарахсий. Китоб ал-Мабсут. 12-жилд. Байрут, 1993.
3. Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя. 4-жилд. Покистон: Карачи, 1999.
4. Ибн Можа Муҳаммад ибн Язид Қазвиний. Сунану ибн Можа / Нашрга тайёрловчи: Муҳаммад Фуад Абдулбоқий. 1-жилд. Миср: Искандарийя, 2009.
5. Муҳаммад ибн Обид Кубайсий. Аҳком ал-вақф фи-ш-шарийъат ал-исломийя. Бағдод, 1397/1976.

*Р. Кенжабоева*

## Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида вақф қилувчининг вақф мулки устидаги ҳуқуқлари масаласи

*Вақф* деганда ижтимоий хизматларни доимий равишда амалга ошириш учун жисмоний шахслар томонидан ажратиладиган мол-мулк ва пул тушунилади. Уларни бошқарувчи вақф муассасаси эса юридик шахс ҳисобланади. *Вақф*, ўз навбатида, *ҳабс*, *ҳубс*, *садақа*, *хайрия* каби номлар билан ҳам аталган. *Вақф* муассасалари тарих давомида масжидлар, шифохоналар, мадрасалар қурган, аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламига зарур моддий кўмак кўрсатган. Ўз ижтимоий хизматлари билан иқтисодий жиҳатдан давлатнинг юкини енгиллатган вақфлар зарурият туғилганда давлатга катта миқдорда қарз ҳам берган. Давлатлар *вақф* муассасаларининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги муҳим аҳамиятини англаб етгани учун уларни қўллаб-қувватлаган ва эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилган.

*Вақф* муассасаларининг фаолияти давр нуқтаи назаридан келиб чиқиб шариат нормалари асосида тартибга солинган. Шу сабабли барча умумий фиқҳ китобларида *вақф*лар учун алоҳида боб ажратилган. Ана шундай фиқҳий китоблардан бири Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асаридир.

Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида вақф боби нисбатан қисқа ҳажмга эгадир. Ушбу бобда вақфга оид турли масала ва фатволар жамланган.

Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида тилга олинган вақф мулкига тегишли масалалар қуйидагилардан иборат: 1. *Вақф* сўзининг луғавий ва истилоҳий маъноси. 2. *Вақф* мулкининг вақф қилувчи (воқиф) тасарруфидан чиқиши ёки чиқмаслиги, вақфнинг мажбурий бўлиши ёки бўлмаслиги. 3. Мулкини вақф қилишни васият қилишнинг ҳукми. 4. *Вақф* мулкини мутаваллига топширишнинг зарур ёки зарур эмаслиги. 5. Тақсимланмаган, бўлинадиган ва бўлинмайдиган, ҳиссали мулкни вақф қилиш. 6. *Вақф*ни бирор давр ёки мақсадга боғлашнинг жоиз ёки жоиз эмаслиги. 7. Кўчар ва кўчмас мулкни вақф қилиш билан боғлиқ ҳукмлар. 8. *Вақф* қилинган

мулкнинг сотилмаслиги, ҳадя қилинмаслиги ва мерос қилиб қолдирилмаслиги. 9. *Вақф* мулкининг яроқлилигини таъминлаш билан боғлиқ ҳукмлар. 10. Ўзига вақф қилиш ва ўзининг мутавалли бўлишини шарт қўйиш. 11. *Вақф* мулкини алмаштириш.

Ушбу мақолада кўриб чиқиладиган мавзу ўз-ўзига вақф қилиш ҳамда вақф мулкининг вақф қилувчи томонидан тасарруф қилиниши масаласи ёритилган.

***Калит сўзлар:*** *вақф, вақфни юритувчи (мутавалли), вақф қилувчи (воқиф), Бурҳониддин Марғиноний, Имом Абу Юсуф, Имом Муҳаммад, ўз-ўзига вақф қилиш, вақфнинг вақф қилувчи томонидан бошқарилиши.*

*Р. Кенджабаева*

## Вопросы о правах вакифа над имуществом вакфа в книге “Хидайа” Бурханаддина Маргинани

*Вакф* – это денежные или иные материальные средства, выделяемые физическими лицами для реализации постоянной социальной поддержки. Учреждение, которое управляет данными средствами, является юридическим лицом. *Вакф* ещё назывался *садака, хабс, хубс*. На протяжении всей истории фонды *вакфа* строили мечети, больницы, медресе и оказывали необходимую финансовую поддержку нуждающимся. Фонды *вакфа* экономически облегчали бремя государства своей поддержкой социальной жизни общества, при необходимости предоставляли государству финансовую поддержку в виде больших сумм денег. Государства, которые осознали важность институтов *вакфа* в экономической и социальной жизни, поддержали их и создали все условия для их свободного функционирования. Деятельность учреждений вакфов регулируется шариатскими нормами с точки зрения современности. По этой причине, для *вакф*ов была выделена отдельная глава во всех книгах по общей юриспруденции. Одной из таких книг юриспруденции является «Хидайа» Бурханаддина Маргинани. Глава о *вакф*ах относительно короткая в книге «Хидайа» Бурханаддина Маргинани. В этой главе кратко изложены различные вопросы и

фетвы, связанные с *вакфом*. Вопросы, относящиеся к свойствам *вакф*а, упомянутые в «Хидайа» Бурханаддина Маргинани, заключаются в следующем: 1. Лексическое значение слова *вакф*. 2. Могут ли средства *вакфа* выйти из распоряжения *вакиф*а (кто делает *вакф*), является ли *вакф* обязательным или нет. 3. Вердикт завещания имущества в качестве *вакфа* 4. Есть ли необходимость передавать права на *вакф* доверительному управляющему. 5. Предоставление нераспределенной, делимой и неделимой, долевой собственности. 6. Допустимо ли связывать фонд с периодом или целью. 7. Положения, касающиеся движимых и недвижимых свойств *вакф*ов. 8. Недопустимость продажи, дарения и наследования одаренных *вакф*ов. 9. Положения, касающиеся обеспечения годности имущества *вакфа*. 10. Самовосстановление и назначение себя опекуном. 11. Обмен имущества *вакф*а.

Предметом данной статьи является вопрос самоорганизации и распоряжения имуществом фонда учредителем.

***Ключевые слова:*** *Вакф (благотворительность), мутавалли (мутавалли менеджер вакфов), вакиф (владелец вакфов), Бурханаддин Маргинани, Имам Абу Йусуф, Имам Мухаммад, делать вакф себе, управление фондом владельцем вакфа.*

*R. Kenjaboyeva*

## The issue of rights of waqif on the property of waqf in Burhonaddin Marginoni's “Hidoya”

As *Waqf* it is considered a property or money allocated by individuals for the permanent implementation of social services. The institution that manages them is a legal entity. The *Waqf* also called as *habs, hubs, sadaqa, charity*. Throughout history, *Waqf* foundations built mosques, hospitals, madrasas, and provided the necessary financial support to the needy. *Waqf* Foundations that eased the burden of the state economically with their social services also lent large sums to the state when it was necessary. States that recognized the importance of *Waqf* institutions in economic and social life, supported them and created all conditions for their free operation. The activities of *waqf* institutions are

regulated by Sharia norms from the point of view of the period. That`s why a separate chapter was dedicated to *Waqf* in each general book of jurisprudence. One of such books is the "Hidoya" by Burhanaddin Marginani. The chapter on *Waqf* is relatively short in Burhanaddin Marginani's Hidoya. This chapter includs various issues and fatwas related to the waqf. The issues related in Burhanaddin Marginoni's "Hidoya" are the followings: 1. The lexical and terminological meaning of the word *waqf*. 2. Whether the property of *Waqf* is out of the disposal of *waqif* (who makes waqf) or not, whether *Waqf* is compulsory or not. 3. The verdict of testament of one`s property to make *waqf*. 4. Whether it is necessary to transfer *waqf* property to mutawalli or not. 5. Endowment of undistributed, divisible and indivisible, share property. 6. Whether it is permissible to link a foundation to a period or purpose or not. 7. Provisions related to movable and immovable waqf properties. 8. Endowed waqfs are non sale, not given as a gift, and not inheritable. 9. Provisions related to ensuring the validity of waqf property. 10. Self waqf and to make oneself as a trustee. 11. Exchanging of *waqf* property.

The subject of this article is the issue of self-foundation and the disposal of the property of the foundation by the founder.

***Key words:*** *Waqf (charity), mutawalli (manager of waqf), waqif (owner of waqf), Burkhanaddin Marginani, Imam Abu Yusuf, Imam Muhammad, self waqf, management of the waqf by the owner of waqf.*